

**УМУРТҚА ПОГОНАСИ ДЕГЕНЕРАТИВ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА  
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР**

**Нарматова Дилором Мактубжановна**

Андижон давлат тиббиёт институти мустақил изланувчиси.

**Махкамов Носиржон Жўраевич**

Андижон давлат тиббиёт институти, т.ф.д., доцент.

*[nosirzonmahkamov5@gmail.com](mailto:nosirzonmahkamov5@gmail.com)*

*<https://doi.org/10.5281/zenodo.1494111>*

### **Кириш**

Умуртқа поғонаси дегенератив касалликлари (УПДК) – суяқ, бўғим ва диск тузилмаларининг ёшга боғлиқ ёки патоген таъсирлар натижасида бузилиши билан кечадиган патологик ҳолатdir.

Эрта босқичда ташҳис қўйиш ва самарали даволаш усулларини қўллаш касалликнинг прогрессиясини секинлаштириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

### **Муаммо долзарблиги**

Ҳозирги кунда умуртқа поғонаси дегенератив дистрофик касалликларининг учраш тезлиги ортиб бормоқда, айниқса, ўрта ва кекса ёшдаги беморлар орасида кўп кузатиляпти.

Ҳаракатсиз турмуш тарзи, ортиқча вазн, ноўрин юкламалар ва бошқа омиллар касалликнинг эрта ривожланишига олиб келмоқда. Шунинг учун ушбу касалликни самарали даволашнинг консерватив ва инновацион усулларини аниқлаш долзарб масала ҳисобланади.

### **Мақсад**

Умуртқа поғонаси дегенератив касалликларининг эрта босқичларини даволашда замонавий ёндашувларнинг самарадорлигини баҳолаш ва уларни клиник амалиётда қўллаш имкониятларини ўрганиш.

### **Материал ва текшириш усуллари**

Тадқиқотда Андижон вилоят травмтология шифохонасидаги 40 нафар умуртқа поғонаси дегенератив касалликлари ташҳиси қўйилган bemor ва 20 нафар соғлом назорат гурухи иштирок этди.

Беморларга комплекс клиник ва инструментал ташҳис қўйилди:

1. Магнит-резонанс томография (МРТ)

## 2.Рентгенография

## 3.Клиник ва биохимик таҳдиллар

## 4.Нейровизуализация усуллари

Даволаш усуллари қаторида яллиғланишга қарши дори воситалари, хондропротекторлар, физиотерапия, мануал терапия ва регенератив тиббиёт элементлари (аутоплазма терапияси, гиалурон кислотаси инъекциялари) қўлланилди.

## **Натижалар**

Эрта босқичда даволашни бошлаш умуртқа поғонасидаги тузилмаларни муҳофаза қилишда ва оғриқ синдромини камайтиришда муҳим роль ўйнади.

Инновацион усуллар, айниқса, аутоплазма терапияси ва гиалурон кислотаси инъекциялари, касалликни консерватив даволашга қўшимча равишда самарали таъсир кўрсатди.

Физиотерапия ва реабилитация муолажалари ҳаракат фаолиятини яхшилашда ва касалликнинг кейинги босқичларга ўтишини секинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

## **Хуноса**

Умуртқа поғонаси дегенератив касалликларини эрта босқичда даволашда комплекс ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Традицион консерватив усуллар билан биргаликда регенератив тиббиёт имкониятларини қўллаш самарали натижаларга олиб келади.

Касалликни эрта ташхис қилиш ва индивидуал даволаш режасини ишлаб чиқиши касалликнинг ривожланишини секинлаштириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга имкон беради.

## **REFERENCES**

1. Frymoyer JW. **Spine disorders: a medical overview.** The Lancet. 2001; 358(9285): 771-776.
2. Urban JP, Roberts S. **Degeneration of the intervertebral disc.** Arthritis Research & Therapy. 2003; 5(3): 120-130.
3. Wu PI, Diaz R, Borg-Stein J. **Platelet-rich plasma for treatment of intervertebral disc degeneration.** PM&R. 2016; 8(1): 1-10.
4. Silva AC, Silva AM, Silva RD. **Advances in regenerative medicine for spinal disorders.** European Spine Journal. 2018; 27(4): 679-696.

5. Истроилов, Ражаббай, Назаров, Иброҳимжон Рустамович, Маҳкамов, Носиржон Жўраевич COVID-19ДАН КЕЙИНГИ СОН СУЯГИ БОШЧАСИ АСЕПТИК НЕКРОЗИДАГИ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР // ORIENSS. 2022. №7. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/covid-19dan-keyingi-son-suyagi-boshchasi-aseptik-nekrozidagi-patomorfologik-zgarishlar> (дата обращения: 25.02.2025).